



## ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛКИЙ СУҒУРТАЛАШНИНГ АМАЛДАГИ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

**Тухтарова Мафтуна,**

*University of Economics and Pedagogy,*

*"Иқтисодиёт ва ижтимоий фанлар" кафедраси мудири, PhD*

*E-mail: [maftun0502@mail.ru](mailto:maftun0502@mail.ru)*

## ANALYSIS OF THE CURRENT MECHANISM OF PROPERTY INSURANCE IN UZBEKISTAN

**Tukhtarova Maftuna,**

*University of Economics and Pedagogy,*

*Head of the Department of "Economics and Social Sciences", Ph.D*

*E-mail: [maftun0502@mail.ru](mailto:maftun0502@mail.ru)*

**JEL classification: G22, D22, P48**

**Аннотация.** Мазкур мақолада мулкый суғурта амалиётини назарий асослари, суғурта бозорини миллий иқтисодиётга интеграция қилишнинг методологик асослари ҳамда суғурта тарифининг таркиби, ўзига хос хусусиятлари таҳлили келтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда мулкый суғурталашнинг амалдаги механизми тадқиқ этилган ҳамда мамлакатимиз суғурта бозорида жами суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари таҳлил қилинган, мулкый суғурталаш амалиётини такомиллаштиришга оид фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

**Abstract.** This article presents the theoretical basis of property insurance practice, the methodological basis of the integration of the insurance market into the national economy, as well as the analysis of the structure and characteristics of the insurance tariff.

Also, the current mechanism of property insurance in Uzbekistan was researched and the total insurance premiums and insurance payments were analyzed in the insurance market of our country, opinions and considerations regarding the improvement of property insurance practices were expressed.

**Калим сўзлар:** суғурта, мулкый суғурта, суғурта бозори, суғурта юки, суғурта брокери, қайта суғурта брокери, суғурта агенти, суғурта воситачилари, суғурта тариф ставкаси, суғурта риски.

**Keywords:** insurance, property insurance, insurance market, insurance burden, insurance broker, reinsurance broker, insurance agent, insurance intermediaries, insurance tariff rate, insurance risk.

**Кириш.** Жаҳонда амалиётида мулкый суғурталаш амалиётини самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мулкый суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва фаолият механизмини таҳлил қилиш, мамлакатда мулкый суғуртанинг институционал муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мулкый суғурталаш амалиётини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижаси тадбиркорлик субъектларининг мулкый манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали шакли сифатида,

шунингдек, суғурта компаниялари томонидан миллий иқтисодиётга инвестиция киритиш учун маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Мулкий суғурта муносабатлари самарадорлигини оширишга қаратилган сифат ва миқдор кўрсаткичларининг янги тизимини шакллантириш ва жорий қилиш асносида мулкий суғурта хизматлари бозорини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, "...Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш" устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда мулкий суғурта муносабатлари бизнес жараёнларини замонавий ва оптимал тизимини инноватцион ёндашувлар асосида шакллантириш ва суғурта хизматларининг самарадорлигини ошириш белгиланади.[2]

**Материал ва метод.** Маҳаллий ва хорижий олимлар суғурта фаолияти, суғурта хизматлари, суғурта турлари ва шу каби терминларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларига кўра таъриф берганлар. Суғуртага берилган таърифларда унинг моҳияти иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий тарафлардан ёритиб берилган, ижобий томонлари кўриб чиқилган ва суғурта жараёнларини амалга ошириш тартиби билан фарқланиши кўрсатилган.

Иқтисодиёт назариясида Паретто мезони бўйича оптималлик тушунчаси кўп қўлланилади. Паретто мезонини суғуртага ҳам қўллаш натижасида суғурталанувчи ва суғурта ташкилоти ўртасида тарифларни белгилашда оптимал нуқтани топиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган[7]. Пареттони таъкидлашча, кимгадир зиён етказмай, бошқага наф етказиб бўлмайди. Шунини инобатга олиб у ресурсларни ортиқча харажатсиз жойлаштириш тарафдори эканлигини таъкидлайди.

Хорижлик иқтисодчи А.Шиховнинг фикрига кўра, иқтисодий категория сифатида суғурта муносабатлари "иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади, шу жумладан, мақсадли маблағларни шакллантириш шакл ва усуллари мажмуаси ва улардан турли хил кутилмаган нохуш ходисалар (рисклар) учун компенсация олишда фойдаланиш, шунингдек, жисмоний шахсларга ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар миқдоридида қопланишини кўзда тутди"[4].

Р.Т.Юлдашевнинг илмий тадқиқотларида "Суғурта бозори – суғурталанувчилар томонидан амалга ошириладиган ёпиқ зарар тақсимоти, бунда суғурта юки битта суғурталанувчига эмас балки бир нечта суғурталанувчига бўлиниш хусусиятига эган бўлган тизимдир", деган таърифни учратиш мумкин. Баъзи адабиётларда суғурта бизнес жараёнлари қайта ишлаб чиқариш жараёнларини барқарорлигини таъминлашга қаратилган, хўжалик юритувчи субъектларнинг ва аҳолининг кутилмаган ходиса орқали олган моддий зарарларини қоплаш механизми мажмуи, деб қаралади.[5]

В.И.Серебровский суғурта тушунчасини келажакдаги бўлиши мумкин бўлган рискни олдини олиш ва зарарларни тақсимлаш, деб таърифлайди. Шу аснода суғурта ўзининг рисклилик функциясини ва ҳимоялаш функциясини намоён этади. У ўз асарларида суғуртанинг нафлилиги тўғрисида асосий фикрларни айтиб ўтади, унинг таъкидлашча, суғурталанувчи суғурта мукофоти эвазига суғурта кафолатини сотиб олади.[6]

Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунда суғурта бозори иштирокчилари кўрсатилган, унга мувофиқ суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанс суғурта бозорининг

профессионал иштирокчиларидир. Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачиларидир, – деб кўрсатилган.[1]

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, суғурта махсулотига қуйидагича таъриф берамиз: суғурта махсулоти – бу инсонларнинг мақсадли фаолияти натижасида юзага келган суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки суғурта рискинни олдини олиш чораларини кўриш мақсадида суғурта фондидан ажратиладиган моддий бойликларнинг маълум миқдоридир.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мулкий суғурта тармоғининг асосий моҳияти бу суғурталанувчи ёки наф олувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш ва риск туғдирадиган ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, аҳоли ҳаётида ночорлик ҳолатларини ва эҳтиёжга олиб келадиган рискларни олдини олиш сифатида намоён бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда, мулкий суғурта қилиш муносабатлари юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган яъни табиий офат, ёнғин ва бошқа талофот ва қутилмаган ҳодисалар натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва жисмоний шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш усулларида бири сифатида тушунилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг жаҳондаги ўрни ва рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларининг кенглиги бугунги кунда қувонарли ҳолат. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган имтиёзлар, аёллар тадбиркорлиги ва шу каби янгиликлар мамлакатимиз равнақи учун хизмат қилади. Суғуртага мамлакат иқтисодий ривожланишининг бир омили сифатида қаралмоқда ва, натижада, суғурта бозорини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш”га қаратилган масалаларга аҳамият берилган.[2] Суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш учун амалдаги суғурта бозорини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида айтиб ўтганидек, суғурта бозорида потенциал суғурталанувчилар миқдори жуда юқори, рисклилик даражаси юқори бўлган объектлар миқдори анча кўп. Давлат томонидан молиялаштирилиши амалга оширилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини мавжудлиги суғурта ташкилотларининг суғурта махсулотларига бўлган талаб даражасини камайтиради.

Суғурта тарифи масаласи барча суғурта ташкилотлари учун диққати марказида туради. Суғурта тариф ставкаси суғурта рисқи ва суғурта ташкилотининг ушбу шартнома бўйича ҳаражатларини ўз ичига мужассам этувчи қиймат белгисидир. Суғурта шартномаси бўйича белгиланган тариф ставкаси брутто ставка кўринишида келади. Брутто ставка икки қисмдан иборат бўлади, нетто ставка на нетто ставкага юклама. Брутто ставка таркибини таҳлил қиладиган бўлсак нетто ставка суғурта турининг рисклилик даражасига қараб 60 фоиздан 95 фоизгача ташкил этиши мумкин, нетто ставкага юклама эса 5 фоиздан 40 фоизгача ташкил этади. Юкломанинг катта-кичиклиги суғурта шартномаси бўйича иш юритиш ҳаражатлари миқдори билан боғлиқ. Масалан, суғурта шартномаси бўйича бизнес жараёнларни амалга ошириш кўп меҳнат ва ҳаражат талаб этса суғурта тариф ставкаси юкломаси ошиб кетаверади. Ҳар бир суғурта тарифи актуар ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади ва суғурта қоидаларида белгиланади.



1-расм. Суғурта тарифининг таркиби[8]

Суғурта тарифининг брутто ставка қисмини белгилаш суғурта шартномаси тури, объекти ва унга белгиланган рисклар орқали аниқланади. Бунда суғурта статистикаси ва прогнози амалга оширилади, кўп йиллик таҳлил ва рисклар аниқланади, эҳтимоллар назариясининг тамойилларига асосланиб, суғурта турининг рисклилиқ даражаси аниқланади, суғурта ставкасининг брутто қисмини белгилаш, суғурта компаниясининг хошиш иродаси билан боғлиқ эмас, яъни нетто ставка махсус ҳисоб-китобларни талаб этади.


Ўзбекистондаги давлат суғурта ташкилотлари қайта суғурта шартларини тўлиқ бажармаган ҳолатлари мавжуд, бу давлат бюджетига катта жавобгарликни юклайди, чунки фалокат юз берганда зарар давлат бюджетидан қопланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга суғурта шартномасини тузмаган аҳолининг кўп қисми давлат томонидан зарар суммасини қоплаб беришни талаб қилишлари мумкин.

Суғурта ставкасининг брутто қисмини аниқлаш давлат томонидан тартибга солинади, брутто ставка суғурта ташкилотининг заҳира фондиди ташкил этади, бу эса суғурта ташкилотининг заҳира фондининг миқдорини белгилайди. Суғурта ташкилотда резерв фондлари бир неча турда шакллантирилади, улар одатда ўзининг ташкил топиши, ишлатилиш йўналишлари билан фарқланади:

- ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари заҳираси;
- тартибга солинмаган, аммо тақдим этилган харажатлар заҳираси;
- суғурта ҳодисаси бўйича тақдим этилмаган заҳира фонди;

- бошқа фондлар.


Ўзбекистон суғурта бозори ва унда мулкый суғурталашни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон суғурта бозорида охириги йилларда кескин ўзгаришларни гувоҳи бўламиз.



**2-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта мукофотлари суммаси[8]**

Ушбу расмда жами суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлар суммаси келтирилган бўлиб, унда 2021 йил 2020 йилга нисбатан 1,5 трлн сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта ходисаси рўй берганда суғурта тўловларини тўлаб бериш билан белгиланади. 2021 йил 2020 йилга нисбатан суғурта тўловлари 0,5 трлн сўмга кўпайиб, 1,2 трлн сўмни ташкил этган.



**3-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта тўловлари суммаси[8]**

Хорижий малакатларда суғурта ташкилотлари сонини таҳлил қиладиган бўлсак Германия суғурта бозорида 400 дан ортиқ суғурта ташкилоти, АҚШ да эса уларни сони 10



000 тага яқин. Мамлакатимиз суғурта бозорида суғурта ташкилотлари сон жиҳатдан хорижий мамлакатлардан бирмунча ортда қолмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида 2021 йил яқунлари бўйича суғурта ташкилотлар сони 42 тага етиб, ўтган 2020 йил яқунлари бўйича 2 тага кўпайган.

Ўзбекистон суғурта бозорида мулкӣ суғурта турларини таҳлил қиладиган бўлсак, уни ихтиёрий, мажбурий ёки суғурта класслари бўйича ажратишимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорини суғурта класслари бўйича таҳлили[8]

Суғурта турлари	Суғурта мукофотлари		Суғурта тўловлари	
	31.12.2020	31.12.2021	31.12.2020	31.12.2021
	млн сўмда	млн сўмда	млн сўмда	млн сўмда
<b>Жами, шу жумладан:</b>	<b>2 213 713</b>	<b>3 732 845</b>	<b>737 586</b>	<b>1 232 326</b>
<b>Мажбурий суғурта, шу жумладан:</b>	<b>360 938</b>	<b>502 354</b>	<b>133 654</b>	<b>190 877</b>
иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги (аннуитет)	22 903	25 696	5 660	8 563
иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги	102 062	165 596	54 125	56 087
транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги	175 435	229 124	67 486	118 407
ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги	6 273	6 319	138	176
хавфли ишлаб чиқариш объектлари	16 061	18 443	-	32
қурилиш-монтаж қалтисликлари	25 735	42 112	1 395	70
бошқалар	12 469	15 063	4 851	7 544

Ушбу жадвалда мамлакатда мулкӣ суғурта турлари бўйича динамикани таҳлил қиламиз. Унда ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш авиация суғуртаси, мол-мулк ва жавобгарлик суғуртасини бирга таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Умуман олганда Ўзбекистон суғурта бозори таҳлили шуни кўрсатадики, бозорда ўсиш динамикаси мавжуд, аммо суғуртанинг аҳоли орасида оммалаштириш ва кўламини ошириш ханузгача муаммо бўлиб қолмоқда.

Пандемиянинг таъсири суғурта бозорига ҳам албатта ўз таъсисни кўрсатди. Олдинги йиллар таҳлили 2019 йил пандемия туфайли Ўзбекистон суғурта бозорини пасайиш тенденцияси кузатилган, 2020 йил бу ҳолат бир мунча ижобий тарафга ўзгарди ва 2021, 2022 йиллар таҳлили натижаси суғурта бозорининг кескин ўсиш тенденцияларини кўрсатди. Аммо суғурта бозорини тубдан таҳлил қиладиган бўлсак мамлакат суғурта

бозори олигополия кўринишига яқин кўринишни олмақда. Бундай ҳолат ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ижобий тарафлари, йирик суғурта ташкилотлари сонининг кўпайиши суғурта бозорига янги технологияларни олиб кирилишига сабаб бўлади, суғурта мукофотларининг хафсизлиги таъминланади ва эҳтимолдаги мижозлар учун кураш натижасида суғурта ташкилотлари янада дифференциацияга учраши муқаррар, бу эса суғурта маҳсулоти сифатига ижобий таъсир этади. Салбий тарафлари масалан, суғурта ташкилотлари томонидан бозордаги хатти-ҳаракатлар ўзгариши мумкин, улар бир мақсадни кўзлаш натижасида бирлашишлари ва бунинг натижасида суғурта тарифлари ошиш эҳтимоли ҳам мавжуд, яна бир ҳолат баъзи бир суғурта бозори сегментларидан моноплашув даражаси юқори бўлиши кузатилмоқда, масалан аграр рискларни суғурта қилиш каби суғурта турлари бозорда санокли компаниялар томонидан амалга оширилмоқда. Аксарият суғурта ташкилотлари Тошкент шаҳрида концентратсиялашган, вилоятлардаги филиалларни назорат қилиш бирмунча қийинчиликларни туғдирмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон суғурта бозорини баъзи сегментлари чуқур таҳлил ва тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг узок муддатли истиқболларини белгилаб берувчи асосий йўналиш бу инноватсион моделга асосланган иқтисодий фаолиятдир. Ҳозирда меҳнат тақсимоли юқори чуққига чиққанда ва жаҳоннинг глобаллашув жараёнида мамлакатимизнинг инноватсион ва рақамли иқтисодиётга ўтиши устувор вазифага айланди. Ўзбекистонни 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида 2030 йилга бориб реал ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 баробарга ва аҳоли жон бошига хорижий валютадаги ялпи ички маҳсулотнинг 3 баробарга ўсишини таъминлаш кўзда тутилган. Белгиланган мақсадларга эришиш учун иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати камида 6,4 фоизни ташкил этиши зарур.[3]

**Хулоса.** Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида суғурта бозорини ва суғурта хизматлари мазмун-моҳиятини ва тадрижий ривожланиши ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Жамиятнинг тараққиётида суғурта хизматлари аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкый манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишда суғуртанинг ўрни бекиеслиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, суғурта фаолиятини рақамлаштириш суғурталанувчиларга янги имкониятларни тақлиф этмоқда:

- эҳтимолдаги мижоз суғурта ташкилотига ташриф буюрмасдан суғурта ташкилоти ва бозордаги ҳолат тўғрисида маълумотга эга бўлади;
- суғурта калькулятори имкониятларидан фойдаланиб, суғурта маҳсулоти нархини мустақил ҳисоблаш имконига эга бўлмоқда ва бундан ташқари рақобат шароитида суғурта ташкилотлари томонидан берилаётган чегирмалар тўғрисида маълумотга эга бўлмоқдалар ва шу орқали энг орзон суғурта тарифини излаш имконияти яратилмоқда;
- онлайн маслаҳатлар тизими жорий қилинганлиги мижознинг турли саволлари орқали тўлиқ маълумот олиш имкони туғилмоқда;
- суғурта объекти рисклилик даражасини аниқлаб уни баҳолаш мумкин бўлмоқда;
- анкета-аризани электрон тўлдириб суғурта шартномаси шартлари билан танишиш соддашланимоқда;
- суғурта шартномасини расмийлаштириш ва замонавий тўлов тизимлари орқали суғурта мукофотини тўлаш жараёни амалга оширилимоқда;



- суғурта шартномасини онлайн кузатиш ва қўшимча хизматларни тақдим этиш имкони туғилмоқда;

- суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта ташкилотини онлайн хизматлари орқали хабардор қилиб, талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириб, суғурта копламасини ҳам онлайн олиш мумкинлиги.

Таъкидлаш жоизки, рақамлаштирилган бизнес жараёнларида суғурта тарифларини ҳисоблашда суғурта калькуляторидан фойдаланилади. Суғурта калькулятори барча анъанавий суғурта турларини ўз ичига оладиган жараёнларни кетма-кетликда бажаради ва барча параметрларни ҳисобга олади. Суғурта калькулятори суғурта агентлари, брокерлари томонидан қўлланилади, суғурта калькуляторини суғурта ташкилотларининг расмий сайтига жойлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 23.11.2021 йилдаги ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. Ўзбекистонни 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси. <https://mineconomy.uz/uz>
4. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для студентов вузов. – М.: ЮНИТИ, 2000. – 431 с.
5. Юлдашев Р.Т. Очерки теории страхования. Ретроспективный анализ развития. / Р.Т.Юлдашев. – М.: Анкил, 2009. – 248 с
6. Серебровский В.И. Очерки страхового права. – М., – Л., 1953.
7. <https://www.e-xecutive.ru/wiki/index.php>
8. <https://imda.uz/oz/> - Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги расмий сайти